Янгиланиш ва яшариш айёми муборак!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
22-mart,
seshanba

№ 34-35
(3696)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиш — мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари «Авесто» даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, қир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайил-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, бу ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказади, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат ва омад тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табаррук сўзлари билан айтмоқчиман: "Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган самимий тилакларимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу ғоя ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фараз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, **шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар.**

Бундай якдилликнинг сабаби ва илдизларини, аввало, бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюк маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охирқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқараши учун мустаҳкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ қўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бирбирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради. Ва юртимизни, аҳолимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча муҳтарам меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қутлашга, уларга қизғин ҳурмат ва саломимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун мана шу файзли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қутлаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Наврўз — халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-интилишларини мужассам этган, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган қадимий байрам. Мустақиллик унга ёшлик, янги ҳаёт бағишлади. Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан бойиди, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ёшлар ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Мусаффо осмонимиз узра қуёш чарақлайди. Муаззам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвойи гуллар кўзни қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дарахтлар, майсазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланганидан дарак беради. Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган юртдошларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Наврўз янгиликларни, яхшиликларни бошлаб келади. 2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислом Каримовга овоз берди. Бу Ислом Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг далолати бўлди.

(2).

Ташаббус — 2016

Энг фаол ташаббускорлар эътироф этилди

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 46 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Т.Нарбаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ҳамда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида ушбу соҳанинг улуши 78 фоизни ташкил этди. Фермерлар эса мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари сифатида қишлоқда саноатни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган 320 га яқин турдаги маҳсулот, 80 дан зиёд миллий ҳунармандчилигимиз намунаси ва 70 га яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилди.

Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб жеанс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Имомов «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Пастдарғом туманидаги «Чорвадор, пахта, ғалла даласи» фермер хўжалиги бошлиғи Хуршиджон Жовбўриев «Энг яхши фермер» деб

эътироф этилган бўлса, самарқандлик кошинчи Икром Ҳалимов «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

«Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Менинг юртим маҳсулоти жаҳон бозорида», «Энг масъулиятли ижтимоий шерик», «Энг яхши оилавий бизнес», «Энг ёш ҳунарманд» сингари қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди ва муносиб рағбатлантирилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ



⇱(1).

«Келди баҳор...». Кўнгилларга кўклам сурурини бахш этган сеҳрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ қўшиқларига уланади. Чанқовуз, сибизға куйлари янграб, саҳнага фолклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намойиш этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилади, йигит-қизлар қўшиқ айтиб, рақсга тушади.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилмоқда.

2015 йил июн ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу мусиқий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қатъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.

...Майдон атрофида оппоқ лайлаклар қўним топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, файзу баракани ифодалайди.

Тинчлик — тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Буни мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътироф этаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» самараларидир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмоқда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий тараққиёт» прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014 — 2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилгани, Самарқанд — Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электр поезди қатнови йўлга қўйилгани халқимизга мамнуният бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоёндир. Шаҳару қишлоқларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган «Камолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун катта мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади, беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада оширди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нуронийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болакайлар кириб келади. Майдон шўх-шодон кулгига тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушчақчақ куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Булар — мустақиллик йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаётган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаяётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ислоҳотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётгани халқаро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусиқалари янграйди. Классик опера ва балетлар, турли тиллардаги қўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

— Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, — деди Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Миллий анъаналарингиз халқ, айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улоқ-кўпкари, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби завқли анъаналар намойиш этилади. Ўланчию лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъёрида.

ЎзА суратлари

Мамлакатимизда тайёр саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Наврўз — ажойиб байрам, — дейди Германияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини янада теранроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан тараддуд кўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покизалик, эзгу орзу-ниятлар билан кутиб олган. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, байрам совғалари улашилди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Наманган вилоятидан келган хусусий тадбиркор Ғани Умаров. — Бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, доимо юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да обод, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

...Байрам томошаси қизигандан қизийди. Эстрада хонандаларининг шўх-шодон қўшиқлари, жозибадор рақслар юракларни жўштиради.

Майдон атрофида ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилларда фахр-ифтихор уйғотади.

Наврўз байрамини ўнлаб мамлакатлар аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилди, интернет орқали кузатиб борди.

Майдон узра янграган куй-қўшиқлар олис-олисларга таралади, бу ердаги кўтаринки руҳ, байрамона кайфият бутун юртимизга ёйилади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбирлари

Мафтункор юртнинг бетакрор байрами

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам сайиллари иштирокчиларининг тилида, дилида шукроналик. Истиқлолимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида тўлқинланиб сўзлайди улар. Юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам бу жараёнларга гувоҳ бўлмоқда. Улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқдик.

Олеся АЙВОДА (Франция):

— Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар юртини кўришни орзу қилардим. Қарангки, Наврўз арафасида ниятимга етдим. Бу байрам ҳақида муайян тасаввурга эга бўлсам-да, бевосита иштирок этиб ҳайратим янада ортди.

Наврўз миллий қадриятлар байрами экан. Бунга Бухоро шаҳрида ёшлар иштирокида ўтказилган фестивалда гувоҳ бўлдим. Миллий халқ ўйинлари, Наврўз тараннум этилган ялла-ю рақслар, сумалак тайёрлаётганлар ёнидан ўтар эканман, димоғимга аллақандай ажиб ҳид урилди. Тўхтаб қолдим. Нега, ийманиб турибсиз, татиб кўринг, дейишди. Бунақа тотни ҳеч қачон, ҳеч қаерда учратмаганман. Ўтмиши буюк, келажаги порлоқ халқнинг мана шундай байрамлари бўлади. Байрамингиз муборак бўлсин!

Кристиан КАЙЗАР (Германия):

— Олий ўқув юрти ўқитувчисиман. Бухорога бир гуруҳ талаба-ёшлар билан келдим. Шаҳар, унинг тарихий обидалари бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир обида ўзбек халқининг ўзидек бетакрор. Кўчалар обод, одамлар хушмуомала.

Қадимий Арк қалъаси ёнида ўтаётган Наврўз сайли устидан чиқиб қолдик. Ҳаммаси сеҳрли, гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек бўласан киши. Биз ҳам ёшлар даврасида рақсга тушиб кетганимизни билмай қолдик.

Марико ОЦУКА (Япония):

— Мен икки йилдан буён Ўзбекистон — Япония марказининг Бухоро бўлимида JICA (Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти) да кўнгилли сифатида ишлайман. Ўзбек тилини мулоқот қиладиган даражада ўргандим.

Ўзбекистон — мафтункор юрт, Наврўз — бетакрор байрам. Бухоро шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу Наврўз арафасида янада яққол сезилади. Сизларда ҳар кунинг Наврўз бўлсин, деган ибора бор экан. Бунинг замирида катта ҳикмат мужассам. Ўз тарихи, маданияти ва урф-одатларини улуғлаган халқнинг эртаси янада нурафшон бўлади.

ЎзА мухбири
Э.ЁДГОРОВ
ёзиб олди.

«Чимён санаторийси» МЧЖ жамоаси

Юртимиз аҳлини баҳорнинг гўзал айёми – Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва шодлик тилаймиз. Баҳорий кайфият Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!



«НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

ДАВЛАТ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА НКМК ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

Соҳа ходимлари ва Ўзбекистон халкини кутлуғ айём — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади. Барча юртдошларимизга сихат-саломатлик, узок умр, Ватан равнаки йўлидаги ишларида юксак муваффакиятлар тилайди. Хонадонингиздан файзу барака аримасин. Соғлом она ва бола йилида бошлаган хар бир ишингиз хайрли ва омадли бўлсин. Янги кун барчангизга кутлуғ келсин!



«GM Uzbekistan»

қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини Наврўзи олам билан қутлайди. Байрам ҳар бир хонадонга файз-барака, омад, қувонч олиб келсин.

Баҳорий кайфият доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Бутун Ўзбекистон халқини, эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган ҳамкасбларни милий байрамимиз — Наврўз билан қизғин қутлайди. Ушбу шукуҳли дамларда ҳар бир оилага тинчлик ва омонлик, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилайди. Юртдошларимиз дастурхонини қут-барака, юзларини табассум асло тарк этмасин.

Ishonch 2016-yil 22-mart, seshanba, № 34-35 (3696)

Ёруғ ният, эзгу мақсадлар билан

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ҳовлидаги гулларга ишлов бераётган эдим, дарвоза очилиб, бир қўлида коса, бирида лаган тутганча сулувгина қиз салом бериб кириб келди:

— Хосият келинойим сумалак билан кўк сомса бериб юбордилар.

Наврўз таомлари бўйидан гўё хонадонимиз кўклам нафасига тўлди. Неваралари — Ойбекжон ва Акбаршоҳ қушчалардек чуғурлашиб, қувонишиб сумалакка қўл чўзишди...

Шунда дилбар шоира Хосият Рустамова кеча катта дошқозон осиб, қўшниларни чорлагани ёдимга келди.

Ловиллаб ёнаётган ўчоқ атрофида нафис суҳбат қизигандан қизиди. Гўзал тилаклар, дуолар-у умидларга қўшилиб сумалак қайнайверди. Капкир қўллар тафтини бирлаштирганча қозон узра айланди, айланаверди. Бир-биридан гўзал ривояту ҳикоятлар, шеърлар навбати билан дилларга илҳом чироғини ёқди. Сумалакдан кўтарилаётган ҳовурдан нафақат юзлар оловланди, кўнгиллар ҳам қўр олди.

Қай томон боқмай аёл қалбининг тафти, назокатини, эркакнинг ҳаётсеварлигию оилапарварлиги, беқиёс муҳаббатини ҳис қилдим. Қадрдон укамиз, ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг нафақат ижодда, балки турмушда ҳам манаман деган ижодкорларни ҳайратда қолдирадиган севимли ёр, меҳрибон ота, қариндошу ёр-биродарларга елкадош инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Афғон урушининг тирик гувоҳига айланган бу ҳассос қалбли ижодкор ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан баҳра олиб, тинчликнинг инсон учун бетимсол бойлик, истиқлол эса бебаҳо неъмат эканлигини юрак-юрагидан ҳис қилиб яшаётгани унинг ҳовлисида ўсаётган ёшгина ниҳолдан тортиб қийғос гуллаган дарахтларда, у бунёд этган иморатда, ҳатто қўйларнинг ортидан югуриб юрган мунчоқ кўзли қўзичоқларнинг нигоҳида, қўйингки, ҳар бир буюмда, жиҳозда акс этаётгандек.

Негаки, бу иқтидор соҳиби биздан фарқли ўлароқ уруш қирғинларини ўз кўзи билан кўрган, одамнинг одамга ўқ ўқталганига гувоҳ. Байрамларни билмаган эллар борлигини у яхши билади. Назаримда, шунинг учун биздан кўра тинчлик-осойишталикни кўпроқ қадрлайди. Айниқса, оламни яшнатиб, яшартирган Наврўзни жуда севади. Шу боис ҳовлисини ораста, обод, кўркам қилиб баҳорга юзланади. Ниҳоллар, гуллар экиб, нафақат хонадони, юртини ҳам кўркам қилгиси келади. Дўсту ёрларига ҳам ниҳоллар, гул кўчатлари эктиради. Сумалак пиширтириб, уларни бирлаштиришни, одамларга севинч улашишни, Наврўз элчисидай устозлари хонадонига сумалак билан кириб боришни яхши кўради. Негадир, шундай фазилатлари билан у менга Наврўзнинг ҳаётбахшлик хислатини ёдга солади.

ЯХШИЛИККА ШОШАЁТГАН ЯХШИЛАР

Сумалак Наврўзнинг шоҳ таоми, тўкинсочинлик ва сиҳат-саломатлик рамзи. Халқимиз азалдан Наврўз оқшомида сумалак пиширган.

...Холидахон деган қўшнимиз бор. Суратқашлар устози Абдуғани Жумаевнинг рафиқаси. Ҳаётсевар, гўзаллик шайдоси. Унинг саъй-ҳаракати билан Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалла ҳудудидаги ижодкорлар яшайдиган кўп қаватли уйимиз атрофи яшилликка бурканган.

Ана шу тиниб-тинчимас Холидахон ҳар йили хотин-халажларнинг бошини бир жойга жамлаб, сумалак пиширади. Аёллар буғдой саралашдан то ивитиб, нишлагунича Холидахонга камарбасталик қилишади. Бири чилдирмани чалиб, «Омонёр»ни бошласа, бошқаси «Сунбула»га ўйнаб, ҳаммани лол қолдиради. Муҳтарама Улуғова опамиз Бобуру Навоий, Машраб қўшиқларини ликопча чертиб айтганида сумалак ковлаётган аёлдан тортиб, нуроний бувиларгача қўшилиб хиргойи қилади.

Ҳаммаёқ қўшиққа, қувончга тўлади. Қизқақажонлар кўзида севинч порлайди. Ёноқлари олов тафтида яна ҳам ловиллаб кўринади. Ёши катталар уларга боқиб, навниҳоллик дамларини эслашади.

— Шоҳруҳжоннинг келинчагини чақиринглар, — дейди Холидахон. — Яхши ният билан сумалак ковласин. Худойим унга кўчқордай ўғил берсин.

Мунаввар келин ҳаёланиб, капкирни қўлига олади. Лаблари пичирлаб нималарнидир ният қилади.

— Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, келинжон, — дейди Мушарраф ая. — Менинг келинларимдек маҳаллани тўлдириб ўғилчаларингизни ўйнатиб юринг.

Унинг тилагига барча «Омин» дея дуога кафт очади.

— Бу келинчакларнинг ҳар бири бир хонадоннинг умид чироғлари. Уларнинг юрагидаги умидлардан миллат бағри тўлади, — дея лутф қилади элимизнинг севимли шоираси Гулчеҳра Жўраева.

Холидахоннинг эсидан ҳеч ким чиқмайди: ўғли ҳарбийга кетганлар ҳам, гўдаги хасталар ҳам. Аёллар бу мўъжизакор таом атрофида барча эзгу тилаклар ижобат бўладигандек астойдил дуо қилишади.

Гўзал хотиралар бир-бирига уланиб, дилларга бинафша атрини сочиб ўтади. Сумалак шақиллаб қайнагани сайин суҳбат ҳам қизийди. Собиржоннинг қизалоғи уялиб, ўзи пиширган ширинликни олиб чиқади. Аёллар мақтаб-мақтаб ейишади. Сўнгра Ҳаввохон лаганларни тўлдириб фарғонача хоним кўтариб келади. Энди суҳбат мавзуи унинг келини пазандалигига кўчади. Хотинлар бири қўйиб иккинчиси у пиширган хоним хамирининг юпқалиги, ярқираб турганини гапирса, яна бирови, нафосат билан безатилганини таъкидлаб ўтади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳакимахоним Самарқанд сафаридан келаётганини айтиб, қип-қизариб пишган иккита Самарқанд нонини дастурхонга қўяди. «Мозорбости» дея аввал маҳалла онахони Сайёрахон ая нонга қўл чўзади. Жажжи қизалоғу дўмбоқ болакайларгача нон тегади. Хуллас, сумалак базми ярим тунгача давом этади. Шодон ўйнаб юрган болакайлару қизалоқлар бирин-кетин уй-уйларига кириб кетишади. Қозон бошида нуроний оналару бир-иккита чаққон келинчакларгина қолади.

Эрталаб сумалак очилгач, аввал маҳалла кексаларию беморлар сийланади. Сумалакни энг нуроний онахонимиз Гулчеҳра опа тотиб беради. «Янгилик, янгилик, илоҳим ҳеч кўрмайлик ёмонлик, ниятимиз омонлик-сомонлик. Илоҳим, янаги ой, янаги йилларга бошимиз омон, бағримиз бутун бўлиб, ўйнаб-кулиб етайлик» дейди шоира. Унинг тилагига барча қўшилади.

Биз ана шундай бировга яхшилик қилиб, етим-есирларнинг бошини силаб, йиқилганни суяб, ночорга чора, йўлсизга йўл, қарияларга эъзоз кўрсатиб, бундан ҳаммадан ҳам кўп ўзимиз қувонадиган халқмиз. Наврўз баҳона ана шу гўзал ва эъзозли қадриятларимиз бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйиб, бундан эл-улус манфаат кўриб, қанчадан-қанча кўнгил иморатлари бут бўлаётир.

Зотан, одамларга меҳр-мурувватли бўлиш, моддий ва маънавий кўмак бериш аждодлар ва авлодларни боғлаб турган маънавий ришта, ўзига хос тарбия мактаби саналади. Муқаддас китобимизда: «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган даъват бор. Бу эса одамийликнинг боқийлигидан ва халқнинг маънавий даражасидан далолат беради. Аждодлардан мерос анъаналарни эъзозлаб, такомиллаштираётган юртнинг эса боши байрам, тўю тантаналардан чиқмайди.

ИҚРОР

Серқуёш диёримиз узра Наврўзнинг ҳаётбахш нафаси кезади. Гўзал Сурхон боғларида бодомлар ҳосилга кириб, ўрик гуллари довучча тугади. Гўзалкентнинг қир-адирлари қирмиз бахмалдан поёндоз ёзиб, элни сайлга чорлайди. Ургутлик чевар қизлар баҳорни соғиниб, ундан нусха кўчириб, тиккан палакларини кўз-кўз қилгани сайлга чиқишади. Бахмаллик сулувлар табиат келинчаги баҳор билан ҳусну ибода баҳслашмоқ учун зеболанадилар. Қадим Бухорода қозон тўлди маросимидан кейин «Қизил гул сайли» бошланади. Водийда эса «Лола сайли» авжига чиқади. Тошкент кўчалари ўригу гулос гулбаргларидан, хиёбонлари турфа гуллардан зийнатланади. Бобо Самарқанд обидаларини ёмғирлар қайта-қайта ювиб, ярқиратиб қўяди. Қизилқум чўллари найсон ёмғирлари эҳсонидан зийнатланиб, кўксига турфа гуллардан мунчоқлар қадаб, чиройини жилвалантиради.

Бободеҳқон кўклам изларини излаб, даласига отланади. Чўпон найининг навоси одамларни қир-адирларга чорлайди. Алп йигитлар тулпорини кўпкари мусобақаларига шайлайди, боболар «бисмилло» дея ерга барака уруғи қадашади. Болакайлар бойчечакка қўшиб хонадонларга кўклам қувончини олиб киришади. Қозонлар тўлиб баҳорий таомлар пиширилади. Дастурхонлар кўк сомса, кўк чучвара, кўк нонлардан файзиёб бўлади. Қўшнилар бир-бирларига баҳор неъматларига қўшиб меҳр-муҳаббат улашадилар. Ўрик, олчанинг шода-шода гуллари, она заминдан бош кўтараётган ям-яшил майсалару чечакларда баҳор нафаси, ҳар нарсада кўклам завқи. Ватан — Ўзбекистон жаннатнинг бир бўлагига айланади. Ўлкамизга янги кун — Наврўз ташриф буюради.

— Наврўз — халқимиз даҳоси акс этган бетакрор гўзал қадриятимиздир, — дейди филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев улуғ айёмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзларкан. — Қарийб тўрт-тўрт ярим минг йилдан буён асрлар ардоғида улғайиб, ҳар бир авлод тафаккури ила сайқалланиб келган ушбу айём эзгулик сарчашмаси мисол бизни яхшиликка бошлайди. Кўнгилларда ажиб туйғулар уйғотиб, ҳамжиҳатликка ундайди. Наврўз удумларининг қай бирига назар ташламанг, уларда қуёш нури мисол беминнат меҳрсаховат акс этган. Беруний Йилбоши одатларининг бири ҳақида шундай ёзган: «Наврўз тонгида одамлар оқаётган сувга рўпара туриб, йил баракали бўлиши, офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар».

Элсевар олимнинг сўзларини тинглаб, бир воқеа ёдимга тушади. Бухоро нуронийларининг оқсоқоли Юсуф Қурбонов бир гал Наврўз олди сафаримга ҳамроҳлик қилган эди. Зарафшон дарёсидан ўтаётганимизда отахон уловдан тушиб барчамизни дарё бўйига етаклаб борди ва шундай деди:

— Қаердандир ўқигандим, тўрт муқаддас унсур Наврўз кунлари инсондан яхши сўз, эзгу тилаклар кутаркан. Айниқса, сув... Келинглар, яхши ниятлар билан дарёга юзланайлик, йилимиз сувга сероб келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, ерга қадаган уруғларимиз бехато униб-ўссин, уларни қуш, қузғунларга олдирмайлик, деҳқон хонадонига ободлик, барака ёғилсин!

Отахоннинг тилакларига барчамиз қўшилдик.

— Наврўз айёмида Яратган эгам барча нарсаларга куч-қувват ато этади. Қаранг, атрофингиздаги жонли, жонсиз оламнинг бари яхши томонга ўзгарган. Тикандан тортиб тошгача сулувланади. Ҳатто қишда овози дағал қушлар ҳам майин сайрай бошлайди. Бу шунчаки тасодиф эмас. Наврўзи оламнинг туҳфаси, сийлови, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, дилбар шоира Қутлибека Раҳимбоева. — Кўклам келиши билан уйга сиғмай қоламан. Келин-қизларни ёнимга олиб, Наврўз олди тозалаш ишларига киришамиз. Уйларни кўтариб, ҳамма жойни чиннидек қиламиз. Кир-чир, чанг-чунг қолмаслигига эътибор бераман. Ҳамма нарса Наврўз олди ороланишни хоҳларкан. Табиатни қаранг. Ёмғирларни ёғдириб заминни тозалайди, сўнгра шамолларни юбориб, дарахтларни силкитиб-силкитиб қуриган шох-шаббаларни тўкиб туширади. Наврўзгача қайта-қайта ёмғир ёғдириб, ҳамма ёқни қатрон қилади. Наврўзни ана шу жонланиш, покланиш ҳаракатлари билан эъзозлаймиз.

***

Наврўз удумлари кўнгилга яқин ва ҳаётбахш. Уларда халқимизга хос эзгу ниятлар акс этган. Улуғ мутафаккир Умар Хайём «Кимки, Наврўзни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар» деган. Биз ҳам янги кунга ёруғ ниятлар, эзгу мақсадлар билан пешвоз чиқайлик. Токи, Ўзбекистонимиз меҳр-муҳаббатга, соғлом она ва баркамол болажонларнинг шодон кулгиларига тўлсин!

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзб. суратлари

Семинар

Меҳнат, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Жиззах вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган республика ўқув-амалий семинар «Коллеж — томорқа» мавзусига бағишланди.

Томорқа — даромад манбаи

Пахтакор ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилган мазкур анжуманда Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги ўрта-махсус, халқ таълими вакиллари, ҳокимликларнинг ижтимоий тармоқ тизими раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, тижорат банклари мутасаддилари қатнашди.

Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Кенжаев анжуманни очар экан, айни кунда 30 минг гектарлик экин майдони томорқалар ҳисобига тўғри келишини, унинг олтмиш фоизи бевосита аҳоли томорқаси эканлигини таъкидлади. Мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларда томорқаларидан самарали фойдаланиб келинаётгани қувонарли ҳолдир. Коллеж томорқасида олма, ўрик, гилос, шафтоли, анор, нок, олча, олхўри сингари мевали дарахтлардан иборат мўъжаз боғлар яратилгани таҳсинга лойиқ. Улардан олинадиган йиллик даромад 6,5 миллион сўм, соф фойда эса 2,7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Картошка, пиёз, бодринг, помидор, саримсоқ пиёз ва турли хил кўкатлар, шунингдек, мош, ловия, нўхат сингари дуккакли экинлардан олинадиган даромад ва соф фойда ўн миллион сўмдан ортмоқда.

— Касб-ҳунар коллежи ҳудудини айланиб ҳавас қилдим, — дея таъкидлади Меҳнат вазири Азиз Абдуҳакимов. — Бир қарич бўш жойнинг ўзи йўқ. Ҳовлидаги дарахтлар сингари экинлар ҳам тартибли жойлашган. Бундай тажрибаларни қўллаб-қувватлаш, кенг татбиқ этиш муҳим. Тижорат банклари бугун нафақат битирувчи-ёшларга, балки ўқиётган талабага ҳам тадбиркорлик учун кредит олишни тавсия этаётир. Бу каби имкониятдан кенгроқ ва самарали фойдаланишимиз керак.

Иштирокчилар ўз жамоаларида томорқалардан қай даражада фойдаланишаётганлиги ҳақидаги тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Тижорат банкларининг коллеж битирувчиларига томорқа хўжаликларида ўз бизнеси ва тадбиркорлик фаолиятини юритишда амалий ёрдам бериш юзасидан тақдимот намойиши ўтказилди.

Касб-ҳунар коллежи ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида намунавий тажрибаларни қўллаш мақсадида ота-оналар билан амалий давра суҳбати, «Тадбиркорлик ва бизнес асослари» фанидан ўтказилган очиқ дарс ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўқувчилар томонидан «Томорқа даромади — оилам ризқи», «Томорқа — даромад манбаи» мавзусида ёзилган иншолар ва очиқ дарслар муҳокамаси қизиқарли кечди.

Аҳолининг шахсий томорқасидан самарали фойдаланишини тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган агрофирмалар ўзининг дастлабки мевасини бера бошлади. Пахтакор туманидаги «Азалия гули» МЧЖ шаклидаги агрофирма хизматидан аҳоли мамнун.

— Тўрт киши меҳнат қилаётган жамоамиз ўтган йили ташкил топганди, — дейди агрофирма раҳбари Суннат Кубаев. — Бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Ветеринар Усмон Носиров, боғбон Қаюм Абдуллаевлар коллеж битирувчилари. Демак, битирувчиларни иш билан таъминлашга ҳам улуш қўшдик. Олтита шохобчамиз орқали туман аҳолисига жами 80 миллион сўмлик мевали дарахт кўчатлари, турли хил уруғликлар, меҳнат қуроллари етказиб бердик. Уй ҳайвонларини боқиш учун аҳоли билан 520 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

Ўқув-амалий семинар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Фарғона томонларда

Ҳамжиҳатлик намунаси

Марғилон шаҳридаги «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғинида 5800 нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Истиқлол шарофати билан халқимизнинг умрбоқий қадриятлари ҳаётимизга қайтди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон Ҳасанов. — Айниқса, Наврўз айёми юксак савияда нишонланиб, кексаю ёш қалбида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, бунёдкорлик, Ватанга муҳаббат каби туйғуларни жўш урдирмоқда.

Маҳаллада байрамолди ҳашари уюштирилиб, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳудуддан оқиб ўтадиган сой тозаланди. Қабристон тартибга келтирилди. Манзарали дарахт кўчатлари экилиб, хонадонларда саранжом-саришталик ишлари бажарилди.

Наврўзда кекса отахонларга алоҳида иззат-икром кўрсатилади. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари Абдусамад Ғуломов, Каримжон Пўлатов каби нуронийлар ҳам, ўз навбатида, ёшларга халқимиз босиб ўтган машаққатли йўл, миллий удумлар, урф-одатлар ҳақида сўзлаб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, истиқлолнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга даъват этдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Фарғона вилояти қишлоқ ва маҳаллаларида Наврўз сайли олдидан дарвешона ўтказиш анъанага айланган. Унда қадимий урф-одатга кўра жонлиқ сўйилади, маҳалла оқсоқоллари, деҳқонлар ва аҳоли қилинажак ишлар тўғрисида кенгашиб якдил фикрга келиб олади. Сўнг экин-тикин мавсумига оқ фотиҳа берилади.

Дарвешона

Ўзбекистон туманидаги Қирқ-кетмон қишлоғи «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам шундай тадбир ўтказилди.

— Бу йил қишлоғимизда катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда, — дейди маҳалла фаоли А.Каримов. — Янги тиббий пункт ҳашар йўли билан ишга туширилади. Тоза ичимлик суви келтирилади.

— Асосий мақсадимиз — аҳолига қулайлик яратиш, — дейди МФЙ раиси Назиржон Аҳмедов. — Илгарилари аҳоли тиббий ёрдам олиш учун қўшни қишлоқдаги ҚВПга қатнарди. Бу йил ана шу муаммога чек қўйилади. Ўзимизда ҳам тиббий пункт ишга тушади.

Шу куни халқ йиғини баҳонасида қишлоқдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Қабристон ва зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Дастурхонга ош тортилиб, кўпни кўрган нуронийлар юртимизга тинчлик, файз-барака, деҳқончиликка ривож тилаб, дуога қўл очдилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Достонларда Наврўз навоси

Наврўз Навоий ижодида муҳим бадиий восита вазифасини ўтаган. Бошқача айтганда, бу баҳорий байрам буюк соҳиби қаламга айрича илҳом бахш этган. Биламизки, Навоий достонларида шарқона янги йил билан боғлиқ турли-туман тасвирларга дуч келамиз.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг 17-мақолоти, шоир тили билан айтганда, «баҳор йигитлиги» ва «хазон қарилиги» ҳақида. Унда Навоий Наврўздан бошланадиган ҳамал ойидаги табиат тасвири билан кишининг ёшлигига хос феъл-атворни бақамти қилиб чизади. Боб ҳамал тилга олинган байт билан бошланган — Қуёш ҳамал айвонини ёритган заҳоти осмон дунёга меҳрини кўрсатади:

Чун ҳамал айвонини ёрутти меҳр,
Даҳрга меҳр айлади зоҳир сипеҳр.

Шундан кейин кетма-кет нақд 22 байтда баҳор табиати қаламга олинади. Сўнг ёз ва куз тасвирига ўтилади. Аста-секин шоир табиат ҳақидаги фикрларини инсон умрининг баҳори-ю кузи хусусидаги мулоҳазаларга айлантира боради, ҳамални тилга олиш унга шунинг учун керак бўлган:

Гулшани умр ичра хазону баҳор,
Ҳам бу гулистон била бир ҳукми бор.

Ҳам Қуёшиға чу бўлди маҳал,
Чиққуси байт уш-шарафидин ҳамал.

«Лайли ва Мажнун»даги меърож тасвирида ҳам худди «Ҳайрат ул-аброр»да учрайдиган меърож талқинидагига ўхшаш бадиий усул қўлланади: пайғамбарнинг осмонга парвозлари пайти ўн икки бурж ҳам ул зоти азизга тасанно айтади, ҳамал билан савр эса у кишига жонларини қурбон қилишга тайёр эканини баён этади:

Савру ҳамал айлабон фиғонлар,
Қурбони анинг қилурға жонлар.

«Сабъайи сайёр»даги меърож таърифида келган бобда ҳам ҳамал билан саврнинг пайғамбарга ўзини қурбон қилиши хусусида гап боради:

Ҳамалу савр қолди нола қилиб,
Тўшалиққа ўзин ҳавола қилиб.

Демак, шоир гарчи икки достонида ҳам айнан меърож тасвирида бир хил масалани ёритса-да, бадиий ифода маъносида уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида бадиийлик бахш этади.

«Садди Искандарий»нинг 35-бобида Искандарнинг Хуросон, Мовароуннаҳр ва Кашмир мамлакатларини эгаллаши хусусида сўз боради. Хуросон сари юриш айнан ҳамалдан — Наврўздан бошланади. Шоир саркарданинг лашкар тортишини табиатнинг дашт узра сабза саф этганига қиёс қилади.

Ушбу достонда Искандарнинг никоҳ тўйи тасвири учун ҳам Наврўз маҳали танланган. Бошқа асарларида бўлгани каби Навоий тўй баёнида Наврўзни «арус» («келинчак») дейди:

Баҳор эрди-ю, гул арусиға зеб,
Арусона булбулға андин фиреб.

Гулу сабза айёмида бўлди тўй,
Бўлуб гулшан ойин била шаҳру кўй.

Боб якунланар экан, шоир соқийга мурожаат этиб, Наврўзни «айёми айшу тараб», яъни «хурсандчилик айёми» деб айтади:

Аёқчи, кетур жомни лаб-балаб, —
Ки тўй ўлди айёми айшу тараб, —

Ки бу сур эрур оламафрўз ҳам,
Хусусан, эрур фасли Наврўз ҳам.

Маълум бўладики, Навоий «Наврўз»ни «баҳор» маъносида ҳам ишлатаверган.

Достоннинг кейинги бобида табиатдаги кўклам тасвиридан инсон ҳаётининг баҳори — йигитлик даври таҳлилига ўтилади. Дастлаб жаҳон чорбоғининг йигитлик боғи билан дилкашу хушлиги, фасли баҳор ҳам айшу ишрат айёми экани айтилади-да, фикр шундай давом эттирилади:

Тирилган замон сабза ўлганда ҳут, —
Ки «Субҳона ҳаййи-л-лази ло ямут».

Мазмуни шуки, сабзалар — яшилликлар тирилиб, ҳут, яъни балиқ ўлганда, яъникиҳут ойи тугаганда, «ўлмайдиган ул зоти пок (Худо) доим тирик». Шунинг учун у Офтобни ҳамал ойи кўкламзори сари суриб, неъматланиш ҳавосини тезлаштиради:

Ҳамал сабзазори сари Офтоб,
Танаъум ҳавосига айлар шитоб.

Боб охирроғида Наврўз фаслида тонг елидан жон, булутдан оби ҳайвон, яъни тириклик суви етиб, жамики тирик мавжудот жилва қилади — табиат жонланади, дейилади. Агар бу фаслда «нишот», яъни хурсандчилик қилмаган нимайики бўлса, унинг жони бор, деб ўйлама, мабодо, баҳор чоғи (ҳам табиатдаги баҳор, ҳам умр баҳори) бўстон аро айшини сурмаган (буни кенг маънода тушуниш керак!) инсон бўлса, уни бир жонсиз тош янглиғ сана, дейди шоир:

Нишот этмаган улча имкони бор,
Гумон қилмагилким, анинг жони бор.

Бу чоғ этмаган айш бўстон аро,
Жамоде дурур шакли инсон аро.

Аммо айш суриш учун ҳам кўнгил шу гулзордаги бир гулга ошуфта бўлиши керак. Бошқа бобда ҳикоя қилинишича, зоғ булбулдан йилнинг фақат бир ойида (албатта, ҳамал кўзда тутилган) сайраб, қолган ўн бир ойида ғамгинлигидан хомуш бўлиб юриши сабабини сўрайди. Булбул ошиқ бўлиб, ишқида куйиб-ёниб юргани гул фақат бир ой очилади-ю кейин бу ўн бир ой унинг дардида ғам чекишини айтади. Ўша гул эса баҳор насими ела бошлаши билан яна очилади. Шоир киши ёшлик чоғидан ишқ йўлига киришини (албатта, ишқни ҳам кенг маънода тушуниш керак) таъкидламоқчи. Яна бир бобда Искандар Арастудан: «Инсонларнинг баҳор табиатига ва гулларга ишқибоз бўлмоғи нимадан?» — деб сўраганию Арастунинг ҳикмат-билимдонлик баҳоридан унга жавоб шабадаси етказгани ҳақида сўз боради. Баҳор билан боғлиқ тасвир 60-бобда ҳам давом этади.

Табиатнинг бундай ажиб фасли баҳонасида асарда яна қандай фалсафий-ахлоқий маъно дурлари сепилган?

«Лисон ут-тайр»нинг биринчи боби бевосита Аллоҳ ҳамдидан иборат. Унинг 14-байтида шоир Тангрининг баҳорда — ҳамал бошланиши куни кечаси била кундузни баробар қилганини ҳам эслаб ўтади:

Чун ҳамалдин берди ойини баҳор,
Бўлди тенг мезонда лайлу наҳор.

«Лайл»нинг «кечаси» экани, «наҳор» эса «кундуз»лигини инобатга олсак, байтда бевосита Наврўз таърифи кетаётгани аниқлашади.

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий баҳорий байрам — Наврўздан олган илҳомларини қоғозга тушириш борасида ҳам ҳеч бир шоирга насиб этмаган баланд поғонага эришган. Ҳақиқатан, табиатнинг уйғониши, оламнинг тамом тағйир топиши, майсаларнинг кўкариб, дарахтларнинг гуллаши, кун билан туннинг баробар келишида ўзгача хосият бор, ижодкорга чексиз ҳайрат, шукроналик бағишловчи куч бор.

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос

Дармондори таомлар

ИСМАЛОҚЛИ ҚАТЛАМА СОМСА

Хамири учун: 3 пиёла ун, 1 пиёла илиқ сув, 150 г. сариёғ, бир чимдим туз.

Тўлмаси учун: 400 г. исмалоқ, 1 боғ жаг-жаг, 1 боғ беда майсаси, 1 та пиёз, 100 г. гўшт 2 дона картошка.

Ун, сув ва туздан хамир қорилади. Хамир иккита зувалага бўлинади, бир оз тиндириш учун устига сочиқ ёпиб қўйилади. Сариёғ эритилади.

Биринчи зувала хамир юпқа қилиб ёйилади. Устига сариёғ суртиб, думалоқлаб ўралади. Иккинчи зувала ёйилади, сариёғ суртилади, думалоқланган биринчи хамир қўйилади ва яна думалоқланади. Тиндириш учун 40 дақиқага музлатгичга қўйилади. Пиёз, исмалоқ, жаг-жаг, беда майда тўғралади. Гўшт сомонсимон, картошка кубикчалар шаклида тўғралади. Маҳсулотлар яхшилаб аралаштирилади.

Хамир доирачалар шаклида кесилади, ёйилади, ўртасига тўлма солинади, чеккалари чимдиб чиқилади. Сомсаларнинг устига тухум сариғи суртилади. 200°С ҳароратли газ печида ярим соат пиширилади.

РОВОЧЛИ ПИРОГ

3,5 пиёла ун, 0,5 чой қошиқ ичимлик содаси, 0,5 пиёла шакар, 4 та тухум, 7 ош қошиқ сут, 125 г. маргарин, 400 г. ёш ровоч банди, 1 ўрам ванилли шакар, 1 ўрам қанд упаси.

Ун эланади, ичимлик содаси аралаштирилади. Маргарин ва шакар аралаштирилади, устидан 1 ош қошиқ ун, ош қошиқ сут, 1 та тухум сариғи солиниб, тинимсиз аралаштириб турилади. Қуюқ қаймоқсимон хамир ҳосил бўлгач, ванилли шакар ва кўпиртирилган тухум оқи киритилади, яна аралаштирилади. Қолип ёғланади ва нон талқони сепилади.

Ровоч ювилади, устидаги қаттиқ толалари тозаланади, тўртбурчак ёки доирача тарзида тўғралади. Хамир қолипга жойланади, устидан иложи борича текис қилиб ровоч бўлаклари солиб чиқилади. Пирог қайноқ газ печида, 200°С ҳароратда тахминан 40 дақиқа пиширилади. Дастурхонга тортишда ванилли шакар билан қанд упаси сепилади.

ҚОҚИГУЛ САЛАТИ

Эрта баҳорда тайёрланадиган витаминларга бой бу салатни икки усулда тайёрлаш мумкин.

1-усул. Қоқигулнинг энг ўртасидаги ёш барглaридан 3 ҳовуч олиб, 1-2 соат совуқ сувга ботириб қўйилади. Кейин яна совуқ сувда чайиб ташлаб, майда тўғралади ва 10 дона майдаланган ёнғоқ мағзига аралаштирилади. 1 ош қошиқ асал ёки кунгабоқар ёғи солинади. Охирида 1 ош қошиқ олма шарбати солинади.

2-усул. Бу салат учун шовул, газандаўт майсаларидан бир боғдан, бир ҳовуч қоқигул барглари олинади. Шовул, газандаўт, юқоридаги усулда нордонлиги кетказилган қоқигул барглари майда тўғралади. 3-4 дона ёнғоқ мағзи қўшилади, майда тўғралган 1 та кўк саримсоқ ва 1 чой қошиқ кунгабоқар ёғи солиб, аралаштирилади.

КЎК ЧУЧВАРА

Хамирига: 500 г. ун, 1 та тухум, 1 пиёла сув, 0,5 чой қошиқ туз.

Тўлмасига: 2 боғдан укроп, кашнич, селдер, кўк пиёз ва кўк саримсоқ, 1 боғдан янги райҳон ва жамбил майсаси, 2-3 дона пиёз, 200 г. қўй ёғи, 4 та тухум, таъбга кўра туз ва мурч.

Ун, тухум, сув ва туздан хамир қорилади. Укроп, кашнич селдер, кўк пиёз, кўк саримсоқ, райҳон ва жамбил совуқ сувда ювиб ташланади, суви силкитиб, майда тўғралади. Майда тўғралган пиёз, сомонсимон тўғралган қўй ёғи, қайнатиб, майдаланган тухум, туз ва мурч солинади, кўкатларнинг суви чиққунига қадар бир оз қиздирилади.

Тинган хамир юпқа қилиб ёйилади, тўртбурчак шаклда кесиб олинади. Тайёрланган кўк тўлмадан солиб, чучвара тугилади ва тузли сувда пиширилади.

Дастурхонга тортишда устига эритилган сариёғ суртилади ёки сметана қуйилади.

Комила БОЙМУРОДОВА
тайёрлади

Болалар спорти

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари, соғломлаштириш масканлари, болалар ва ўсмирлар мактаблари бунга яққол мисолдир.

«Сув парилари» мусобақаси

Ўтган қисқа давр ичида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Оролбўйи шаҳар ва туманларида кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди.

— Президентимизнинг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли воҳамизда болалар спорти йил сайин ривожланиб бормоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сузиш бўйича терма жамоаси бош мураббийи Руслан Илясов. — Бу ерда яратилаётган шароитлар ҳеч бир чет давлатникидан кам эмас. Бугун шогирдларимиз орасидан чемпионлар чиқаётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Нукус шаҳридаги 1-Болалар ва ёшлар спорт мактабининг ёпиқ сув ҳавзасида ўқувчи қизлар ўртасида ташкил этилган «Нафосат олами» мусобақасида спортнинг ушбу тури тобора оммалашиб бораётганига шоҳид бўлдик.

Эркин усулда 50 метрлик масофага сузиш бўйича 2000 — 2003 йилларда туғилган қизлар орасида Нукус шаҳридан А. Назарова, Н.Қаллибекова, Г.Жолдасова, Б.Менглибаева биринчи ўринни эгаллади. 1-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари Д. Досчанова, Н.Пирниязова, С.Сейдаметова кейинги ўринларни банд этишди.

2004 — 2006 йилларда туғилган қизлар ўртасида эса Ш.Қуатбаева, Г.Абдиреймова, М.Бердибаева ва А.Сатбаевалар ғолиб чиқишди.

Мусобақа якунида ғолиблар Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Янги ҳаёт палласи

Юртимизга баҳор ташриф буюрди. Замин уйғонмоқда. Барча-барчамиз интиқиб кутган Наврўз айёми — яшнаш ва яшариш палласи кириб келди. Аллоҳ таоло ўз иродаси билан инсон ер юзини обод қилиши ва унда чиройли ҳаёт кечириши учун лозим бўлган ҳаво, сув, қуёш ва тупроқни унга бўйсундирди. Осмондан ёмғир ёғдириб, инсон ва барча мавжудот учун ризқ бўлган наботот оламини ўстирди.

Аллоҳ баҳор мавсумини борлиқ ва табиатда яшариш, яшнаш, ўзгаришларнинг бошланиши этиб қўйди. Баҳор келиши билан табиат қиш уйқусидан уйғонади, ўсимликлар ниш уриб чиқади, юртнинг қут-баракаси, тўкинлиги ва фаровонлиги манбаи бўлган зироат, деҳқончилик ишлари бошланиб кетади. Наврўз айёми янги фаслнинг бошланиши, табиатнинг уйғониши, деҳқончилик ҳосилига асос қўйилиши жиҳатидан энг халқчил байрам сифатида кўп асрлардан буён юртимизда катта тантана қилиб келинади. Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам: «Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз», деб бу кунни алоҳида ёд этганлар.

Наврўз қиш фаслидан чиқиб, баҳор айёмига соғ-саломат етганимиз ҳамда ерга уруғ қадайдиган фурсат келгани муносабати билан деҳқонларнинг ҳам мавсумий байрам тадбири ҳисобланади.

Наврўз айёми халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, ардоқли байрамдир. У деҳқончилик ишларининг бошланиши, янги мавсумга кириш вақти саналади. Бу байрамда оммавий халқ сайиллари уюштирилади, янги униб чиққан кўкатлардан баҳорий таомлар — сумалак, ҳалим, кўксомса, кўкчучвара каби тансиқ таомлар пиширилади.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейин бошқа қадриятлар қатори Наврўз байрами ҳам қайта тикланди. Ҳар йили барча шаҳар ва қишлоқларда байрам сайиллари, томошалар, турли тадбирлар ўтказиляпти. Айни пайтда хайрия ташкилотлари ёрдамида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда, уларга турли совғалар, хайр-эҳсонлар тақдим этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Наврўз азалдан Шарқ халқларида янгиланиш, яшариш байрами, деҳқончилик мавсумининг бошланиши, янги ҳаёт палласи сифатида кўрилган. Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради.

Динимизда тинчликка тарғиб қилиниб, Бақара сурасининг 208-оятида шундай дейилади: «Эй, имон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз». Уламоларнинг таъкидлашича, «ёппасига» сўзи барча инсонлар бирлашган ҳолда тинчлик йўлини тутиши, унинг барқарорлиги ва бардавомлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини билдиради.

Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга назар солсак, барча халқлар ҳам ана шу тинчлик деб аталмиш улуғ неъматдан бирдек баҳраманд эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг натижасида қариялар тинч-хотиржам ҳаёт кечиришдан, фарзандлар рисоладагидек таълим-тарбия олишдан маҳрум бўлиб, турли ақидапараст гуруҳларнинг қўлида хору зор бўлиб қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам биз юртимизда ҳукм сураётган тинч-хотиржам ҳаёт ва барқарор тараққиёт учун Яратганга шукрона қилмоғимиз, ғараз мақсадли кимсаларнинг фитналаридан ҳамиша огоҳ бўлмоғимиз керак. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассалам шундай марҳамат қилганлар: «Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан» (Имом Табароний ривояти).

Қанчалик огоҳ ва ҳушёр бўлсак, муқаддас юртимиз, тинчлигимиз, оиламиз ва фарзандларимизга ёмон кўз билан қараётган кимсалар содир этиши мумкин бўлган фитна-фасод, хавф-хатардан йироқ бўламиз. Зеро, неъматнинг бардавом бўлиши унинг шукри адо этилишига боғлиқдир.

Бугунги шодиёна айёмда Аллоҳ таолога барчамизни ушбу қутлуғ дамларга соғ-саломат, тинчлик-омонликда етказгани учун шукроналар айтамиз. Аллоҳ таолодан бу йилги баҳорни ҳам юртимиз учун баракотли қилиб, халқимизга яхши ниятда қадаган уруғлари сермаҳсул бўлиши насиб айлашини, юртимизнинг янада обод, кўркам бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни тинч-омонликда сақлаб, икки дунё саодати йўлида олиб бораётган барча хайрли ишларимизга баракотлар ато этишини сўраймиз.

Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан самимий қутлайди.

Ҳар бир оилага фаровонлик, тинчлик ва омонлик, бахт-саодат, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.



Наврўз барчага қувонч ва эзгулик олиб келсин!

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Ҳар бир юртдошимизни ва соҳа ходимларини умумхалқ шодиёнаси — Наврўз байрами билан қутлайди.

Ушбу айёмда ҳамманинг чеҳрасида самимият, меҳр-оқибат туйғулари ҳукм суриб, мустаҳкам соғлик, баҳорий гўзаллик доимо ҳамроҳ бўлсин!

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни ёшариш ва янгиланиш айёми Наврўзи олам билан чин дилдан табриклаймиз.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Мустақил Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги ва бойлигини ошириш йўлидаги бунёдкорлик ишларида янгидан – янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

«Соғлом авлод» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Омад» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Юқори даромад» — омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.
«Ёрқин келажак» — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
«Мадад» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
«Қурилишга бошланғич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93,
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк - фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Ucell

Масъулияти чекланган жамият «COSCOM» хорижий корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Компания мижозларини ва юртимиз халқини яшариш, янгиланиш ва эзгулик байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлайди.

Дунёга юз тутаётган Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида меҳнат қилаётган инсонларнинг эзгу амалларига ривож тилайди.

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Соҳа ходимларини, тамлакатимизнинг барча аҳолисини гўзаллик ва нафосат, янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Соглом она ва бола йилида ватандошларимизга мустаҳкам соглик, хуш кайфият, хонадонларига бахту саодат, ишларига ҳамиша зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: D.Oripov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **22:50**
1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma Г — 315.
22734 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган сурат.

Ҳудудлардан дараклар

Қадриятларимиз тимсоли

Наврўз байрами муносабати билан Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов иштирокчиларни байрам билан табриклаб, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида атрофлича тўхталди.

— Наврўз шодиёналари Сурхон воҳасида аллақачон бошлаб юборилган. Энг чекка қишлоқларда янгидан қурилган замонавий, кенг ва кўркам уйлардаги юзлаб ҳовли тўйлари байрамга уланиб кетди. Бу Айём арафасида ҳар бир хонадон эгаси яхши ният билан 25 тупдан кўчат қададди, гуллар экди. Эҳтиёжманд оилалар, яккаёлғиз ва боқувчиси йўқ кишилар ҳолидан хабар олинмоқда. Бу олижаноблик бизга ота-боболаримиздан мерос, — дейди касаба уюшма фахрийси Ҳумоюддин Шарафиддинов.

Тадбирда касаба уюшма фахрийларига бирлашма кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Давра суҳбати шеърхонлик ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Урганч шаҳридаги «Авесто» боғмажмуасида Наврўз тантаналари кенг нишонланди. Гулларга бурканган боғ ўзгача файз олди.

Кайвони онахонлар сумалак қайнаётган дошқозонлар атрофида ёшларга Наврўз, сумалак тарихидан, миллий урф-одатларимиз ҳақида ҳикоялар сўзлайдилар. Бугунги дориломон кунларга шукрона келтириб, шеъру маталлар айтадилар.

Майдон ёнидаги Шовот каналида мавжланаётган зилол сув қирғоққа тўлқинланиб урилади. Истиқлолни, истиқболни, қадим қадриятларимизни улуғловчи ҳаётбахш шиорлар, тўкинлик, бунёдкорлик, ўсиш-юксалишларнинг ифодаси бўлган кўргазмалар байрам нафосатини янада оширган.

Тадбирда вилоят ҳокими П.Бобожонов барчани байрам билан самимий муборакбод этди. Майдон узра янграган карнай-сурнай садолари дилларга баҳорий кайфият, хушнудлик бахш этди.

Айниқса, болажонларнинг чиқишлари байрам шукуҳига шукуҳ қўшди. Томошабинлар ўз болаликларини ёдга олган ҳолда, келажак эгаларининг бахтли чеҳраларига, шодон рақсларига қараб, оламолам завқ олишди.

Мақом, шунингдек, достон, лапар, ялла ва халфа қўшиқлари азалдан инсониятни эзгуликка, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатни асраб-авайлашга ундаб келган. Айниқса, Наврўз байрамларини кўп минг йиллик тарихга эга фолклор йўналишидаги чиқишлар безаб келаётир. Бунга «Авесто» боғ-мажмуасидаги тантаналарда ҳам гувоҳ бўлдик. Эл суйган ҳофизлар, ёш санъаткорлар хонишлари байрам тароватини оширди.

Наврўз шодиёналари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

***

Китоб туманидаги 3-умумтаълим мактабида «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли» шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Жумладан, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларнинг уй юмушларига кўмаклашилди. Мактаб майдонида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди. Ҳар бир синфда Наврўзи олам, унинг тарихи, халқимиз учун аҳамияти ҳақида тарбиявий соатлар ўтказилди.

Бундан ташқари, чиллак, бештош, варрак учириш каби миллий ўйинлар ҳам байрамни безади. Миллий урф-одатларимиз акс этган саҳна кўринишлари тадбирга файз қўшди.

Таълим муассасасида «Сумалак сайли» ташкил этилиб, унга нафақадаги фахрийлар ҳам таклиф қилинди.

Комил ЗОКИРОВ,
Китоб туманидаги
3-умумтаълим мактаби
касаба уюшма қўмитаси раиси

Наврўз — 2016

Тотувлик — барқарорлик омили

Обод ва фаровон элга байрамлар ярашади, хотиржам кўнгилга хурсандчилик татийди. Тинчлик-тотувлик бор жойда унум ва барака бўлади. Наврўз ана шундай эзгу қадриятларни мужассам этган байрамимиздир.

Пойтахтимизда «Миллатлараро тотувлик — барқарорлик омили» мавзуида ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари Викентий ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муҳити қарор топгани ва бу тараққиётимизда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Қарийб 140 миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда.

— Яшнаш, яшариш фаслида инсон қалби ва тафаккури ҳам табиатга ҳамоҳанг янгилангандек бўлади, — дейди Республика озарбайжон миллий маданият маркази раиси муовини Фирдуси Гусейнов. — Ҳар йили Наврўзни мамлакатимиздаги турли миллат ва элат вакиллари баҳорий неъматлар тортилган тўкин дастурхон атрофида бирга нишонлайди. Наврўз жамиятимиздаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

Тадбирда Ўзбекистондаги миллатлараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсонга энг олий қадрият деб қараш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Турли тилларда куйланган қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Тадбир доирасида миллий-маданий марказлар томонидан миллатлараро тотувлик муҳитини акс эттирган босма нашрлар кўргазмаси ташкил этилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар

Танлов

Ғолиблар аниқланди

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона республика кўрик-танлови»нинг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Танловдан мақсад давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини ушбу долзарб масалага қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назоратини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш эканлиги билан эътиборга лойиқ.

Барча тармоқлар бўйича жами 87 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар комиссия томонидан батафсил, ҳар томонлама ўрганиб чиқилди ҳамда керакли тавсия ва таклифлар билдирилди. Шунга кўра, ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси ғолиблари кейинги босқичда иштирок этадиган бўлишди.

Р.МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Элликқалъа туманидаги «Гулистон» ва «Қизилқум» овул фуқаролар йиғинларида Наврўз байрами тадбирлари ташкил этилди.

Баҳорий айём шодиёнаси Бўстон шаҳрида сумалак сайллари билан давом эттирилди. Дошқозонларда сумалак ва баҳорий таомлар тайёрланди. Миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, ҳунармандлар ва ёш рассомлар кўргазмалари ўтказилди. От чоптириш, миллий кураш, варрак учириш, тош кўтариш, бештош ва бошқа миллий ўйинлар байрамга ўзгача кўтаринкилик бахш этди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

Байрам тадбирлари билан бир қаторда овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, кўп қаватли уйлар атрофи, маҳалла ва гузарлар, бозорлар, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни ободонлаштириш ишлари мунтазам ташкил қилинмоқда. Тумандаги ҳар бир фуқаро «Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг совғам» шиорига амал қилиб, ҳудуднинг кўркамлигига ўз ҳиссасини қўшаяпти.

Байрам арафасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган 15 дан ортиқ янги объектлар фойдаланишга топширилди.

Дилшодбек ЖУМАНИЁЗОВ,
туман ҳокимлиги бош мутахассиси

Ободонлаштириш ойлиги

Боқий анъаналар давом этади

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга иштиёқ, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш бизга ота-боболаримиздан қолган улуғ қадрият.

Бу йил ушбу анъаналарни анча барвақт бошлаб юбордик. Корхонамиз ҳудуди 10 гектар майдонни ташкил этади. Маъмурият биноси, ишлаб чиқариш цехлари... Ҳудуддаги турли мевали ва манзарали дарахтзорларимиз, гулзорларимиз кўнглимизда яшариш ва янгиланиш ҳисларини жўш урдиради. 641 нафар касаба уюшма аъзосининг ҳамжиҳатлиги ва уюшқоқлиги туфайли ҳудудимиз тобора янгича қиёфа касб этмоқда.

Шаҳар ташқарисида 5 гектарни эгаллаган ёрдамчи хўжалигимиз бор. У ерда етиштириладиган маҳсулотлардан ишчи-ходимларимиз ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Жорий йил бу ерда бир гектарлик боғ ташкил қилдик. Мевали, шунингдек, манзарали ниҳоллар ва гул кўчатлари ўтқаздик. Сув йўллари тозаланди. Дарахтларга шакл берилди. 25 сотихли иссиқхонамизда лимон кўчатлари парваришига эътибор кучайтирилди.

Шаҳримиздаги «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаяпмиз. Ҳудудда ходимларимиз ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалик-озодалик юмушларини бажаришда, гулзорлар ташкил қилишда фаол қатнашяпти. «Арабхона» маҳалласидаги кўп қаватли уйлардан бирининг олд қисмини таъмирлаб, унга янгича қиёфа бахш этдик. Ёнатрофида гулзорлар барпо қилдик. Иккинчи гуруҳ ногирони Ш.Шокировга аравача тортиқ қилинди. Нафақахўр Ҳ.Худоёров оиласига қурилиш материаллари олиб берилди. Шунингдек, 15 нафар эҳтиёжманд оилага моддий кўмаклашилди.

Наврўз шукуҳи барчани янги зафарларга чорламоқда.

Маҳмуд ЧЎЛИЕВ,
Бухоро вагон депоси касаба уюшма қўмитаси раиси

«ЗОМИН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни янгиланиш ва покланиш айёми — Наврўз байрами билан чин юракдан табриклайди. Халқимизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик ва фаровон ҳаёт тилайди. Баҳор олиб келган қувончлар бардавом бўлсин. Хонадонлардан тўкинлик аримасин. Кўклам сувидек жўшқинлик, бинафшадек беғуборлик барчага ёр бўлсин!

Реклама ўрнида

ALOQABANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»И

Барча юртдошларимизни баҳор байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади. Мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган меҳнаткаш халқимизни келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди. Тинчлик ва осойишталигимиз барқарор, хонадонларимиз фаровон, юртимиз янада кўркам ва обод бўлсин. Инсон қадр-қиймати эъзоз топган диёримиз гуллаб-яшнайверсин!

Хизматлар лицензияланган.

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Соҳа ходимлари ва барча юртдошларимизни миллий қадриятларимиз тимсоли бўлган — Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайди. Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга тўкинлик тилайди. Мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган тармоқ ходимларининг келгуси ишларида муваффақият ва ғалабалар ёр бўлсин!

Реклама ва эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Сирдарё вилояти, Боёвут ва Мирзаобод туманларидаги К-1 каналини реконструкция қилиш.

Бошланғич нархи — ҚҚС билан (сўм) 15 520 763 988 сўм. ҚҚС сиз (сўм) 12 933 969 990 сўм.

Қурилиш муддати: 605 кун 2016-2017 йиллар.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Республика бюджети ҳисобидан.

Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 127-уй.

Телефон: (0-367) 225-11-30, (0-367) 225-13-42.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солигидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган **Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказ**ига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел.: (факс): (0-3672) 27-64-42. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 158 300 сўм.

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҚАЙТА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Гулистон туманидаги «ВКБ-14» колллекторини тизимли таъмирлаш тиклаш.

Бошланғич нархи — ҚҚС сиз (сўм) 978 391 937 сўм.

Қурилиш муддати: 210 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Мелиорация фонди ҳисобидан.

Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 127- уй.

Телефон: (0-367) 225-11-30, (0-367) 225-13-42.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 29 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан иншоотларни таъмирлаш - тиклаш ишларига кичик бизнес субъектлари учун минимал квотаси 35 % гача белгиланган.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказ**ига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел. (факс): (0-3672) 27-64-42.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 112 740 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚЎҚОН ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон халқини ўйғониш, яшариш, янгиланиш айёми — Наврўз билан самимий табриклайди. Ҳар бир кишининг қалбини умидбахш эзгу орзулар тарк этмасин. Бахт-саодат ва фаровонлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Соғлом она ва бола йилининг баҳори хонадонларингизга файзу барака олиб кирсин!